

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 5 август, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (11.211)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Жиззах шаҳрида Одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хайъатининг навбатдаги йиғилишида жорий йил учинчи чорагининг июль ойи учун бюджет ва бюджетдан ташқари Давлат мақсадли жамғармалари тушумлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ҳамда нақд пул тушуми режа-топшириқларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Тошкент темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига навбатдаги 62,9 миллион сўмлик мурувватпарварлик юки ортилган «ЭКОСАН» — «Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поезди жўнатилди. Жорий йилда ташкил этилган ушбу 19-Саломатлик поездига ортилган юклар Оролбўйи минтақасида истиқомат қиладиган, ёш болаларни ёлғиз тарбиялаётган аёлларга, кам таъминланган ёш оилаларга, мактаб ўқувчиларига топширилади.

Чортоқ туманидаги «Тола» акциядорлик жамияти негизда Жанубий Корея билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этилди. Қувватлар ўзлаштирилгач, бу ерда ойига 200-250 тоннага етказиб калава ип тайёрланади ва унинг асосий қисми экспортга жўнатилди. Туман маркази атрофидаги қишлоқларда яшовчи ёшлардан 250 нафари эса муқим иш жойига эга бўлади.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ муҳандислари томонидан металлургия ва бойитиш ишлаб чиқарилиши чикиндиларидан қора металллар ва мис олиш усули ишлаб чиқилди ва ушбу ихтирога патент олинди.

Наманган алоқа ва транспорт коллежини бу йил 146 нафар йигит-қиз тамомлади. Уларнинг 68 нафари халқаро аҳамиятга эга бўлган Германия сертификатини қўлга киритди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси ҳамкорликда Олимпия шон-шухрати музейида «Ёшлар ва спорт» мавзусида форум ўтказишди.

ЖАҲОНДА

Россия Давлат думасига телеканаллар бадий фильмлари реклама танаффусларисиз намойиш этишлари шартлиги ҳақидаги қонун лойиҳаси киритилди.

Мехико шаҳрида 25 мингга яқин олим, сиёсатчи ва фаоллар иштирокида ОИТСга бағишланган конференция бошланди. Конференция иштирокчилари эътиборини аввалламбор ривожланаётган давлатларга қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Зеро, ҳозирда ОИТСга чалинганларнинг 95 фоизи ривожланаётган мамлакатлар фуқароларидир. Конференцияда шунингдек, ривожланаётган давлатлар солиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириш ва ОИТСнинг олдин олиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Жаҳон савдо биржаларида «қора олтин»нинг нархи яна пасаймоқда. Хусусан, кеча Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 120,48 доллар, Нью-Йоркда ўтказилган савдоларда эса 121,41 доллар миқдорига қайд этилди.

Пентагон 1250 нафар денгиз пиёдаларининг Афғонистонда бўлиш муддатини яна бир ойга узайтирди.


Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида рўй берган отишмалар чоғида ўн та гивёвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар ўлдирилди, битта полициячи жароҳатланди.

Жанубий Осетияда рўй берган нотинчликлар туфайли кеча 800дан ортиқ ёш болали оилалар, кексалар ва касалмандлар Цхинвалидан қочкин сифатида Шимолий Осетияга кўчирилди.

Сув тошқинларидан жабрланган — 300 дан ортиқ уйларни бутунлай сув босиб, 300 миллион рубл атрофида зарар кўрган Приднестровьега турли мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдами келиши давом этмоқда.

Нигериянинг Кано ва Кацина шаҳарларида парранда гриппи вируси аниқлангани туфайли паррандалар йўқ қилинмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, ушбу вирус инсон ҳаётига хавф солувчи Н5-Н1 штамми парранда гриппи вируси экани қайд этилган.

Гонконгга ўтказилган кимовиди савдосида ўта камёб, мовий рангли сайқаланган олмос 8 миллион АҚШ долларига сотилди. Оғирлиги 6 каратдан ошадиган, ўзига хос услубда ишлов берилган мазкур олмоснинг ҳар бир карати 1,3 миллион АҚШ долларига баҳоланди ва у дунёдаги энг қimmat тош деб топилди. Олмосни Лондонда жойлашган номи номаълум заргарлик компанияси сотиб олган.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ШУНДА КЎРИНМОҚДАКИ, ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯЛАРИ ҚУРИЛИБ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛМОҚДА, ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧИЛМОҚДА, ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ТЕЗЛИГИ ОШИМОҚДА, ТАШИЛАЁТГАН ЮК ҲАЖМИНИ ОРТИРИШГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Иқтисодиёт


СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛМОҚДА

Бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «О ZTEMIRYO L MASHHTA MIR» унитар корхонаси ва унинг шўба корхоналарининг муносиб ҳиссаси берилгани алоҳида таъкидлаш лозим. Унитар корхонанинг пойтахтимиздаги «Қуов-механика заводи» шўба корхонаси 2003 йил 20 октябрда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган бўлиб, 900 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада поездларнинг юк вагонларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, қуов бўйича эҳтиёт қисмлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхона цехларида компания тарбиялаб келувчи 7 та корхоналар учун зарур ва керакли эҳтиёт қисмлари тайёрлаб берилади.

механизмлар импорт ўрнини боса олади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат менежменти тизимининг ISO 2001 халқаро сертификати талабларига жавоб беришига эришилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ярим йилида корхонада 1 миллиард 900 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Шу ўринда ай-

ортади. Корхонада 1,5 минг нафар кишига мўлжалланган ошхона мавжуд, ишчи-ходимларнинг ишга бориб-қелишлари учун транспорт ажратилган, махсус иш кийимлари билан таъминланган. Биринчи ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт пункти ҳодимлар хизматига шай. Хотин-қизлар шифокор кўригидан мунтазам ўтказилиб турилади. Санаторий ва дам олиш зона-



Корхонада бугунги кунга келиб талаблар даражасида жиҳозланган 4 та асосий, яъни, қуов, вагон ишлаб чиқариш, вагон таъмирлаш, механика цехлари ҳамда бир неча ёрдамчи цехлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, цехларда Россиядан келтирилган пайвандлаш ва ёғочни қайта ишлаш дастгоҳи ва ускуналари ўрнатилган бўлиб, шу кунларда яна янгиликлар олишга сарф-харакатлар қилинмоқда. Улар Россия ва Украинадан келтирилиши мўлжалланаётган гилдиракларни тозалайдиган дастгоҳларни бўлиб, албатта бу иш сифати ва сурьатига, бюуртмаларни вақтида уйдлашга, экспорт ҳажминини оширишга ҳам муқим ҳисса қўшади.

Корхонада ойига 40 та вагон мукамал ва жорий таъмирланиб, 15 та янги вагон қурилади. Нафақат республикамиз, балки қўшни Тожикистон ва Қозоғистон давлатларининг ҳам бюуртмалари бажарилиб, шартнома асосида вагонлар таъмирлаб берилаётганлигини ҳам айтиш жоизки, бу корхона мутахассисларининг изланишлари ҳамда юксак малакаларидан далолатдир. Шунингдек, Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларга йўл қурилиши учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилади. Йўл хўжалиги, вагон хўжалиги учун эҳтиёт қисмлар ва юк вагонлари учун тайёрланаётган

қозонхона қуриляпти.

—Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулот турлари ва сифатига эътибор қаратиш, импорт ўрнини босувчи эҳтиёт ва бутловчи қисмлар тайёрлашни режалар эканми, — дейди корхона директори Фарход Қобулов, — албатта, замонавий техника ва технологияларни самарали қўллашимиз даркор. Бунинг учун 2009-2010 йилларда инвестиция киритиш йўли билан қуов цехларимизни Германия ва Япониядан келтирилган янги ускуналар билан жиҳозлаш ниятдаммиз. 2016 йилгача 104 миллион долларлик инвестиция киритилиб, корхонанинг тўла қувват билан ишлаши режалаштирилган. Ана шунда ишчи-хизматчилар сонини 6200 нафарга етати.


Чиндан ҳам, излаганга толе ёр бўлади. Корхона тадбиркорлари ҳам изланиб, имкониятлардан оқилонга фойдаланиб, билим ва маҳоратларини ишга солиб ўз толеларини яратишмоқда, муваффақиятларга эришишмоқда. Бугунги кундаги эришилаётган ютуқлари билан улар Истиқлолнинг 17 йиллик айёмига муносиб тўхфа ҳозирлашмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона цехларида ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Максим Черногаев
олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БАХТИ

XXII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ БАХТИ
ЭТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КЕЧА ПЕКИНГА ЖЎНАБ КЕТДИ. СПОРТЧИЛАРИМИЗ АНЬАНАГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗ БОШ МАЙДОНИДАГИ МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ПОЙИГА ГУЛ ҚЎЙДИЛАР.



— Олимпиада ўйинларида Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиш биз учун чекис фахр ва юксак бахтдир, — дейди Афина Олимпиадасининг бокс бўйича совриндори Баҳодир Султонов. — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш асосида ўзимизга сўз бердикки, Пекин Олимпиадасидан ҳам ёруғ юз билан қайтамиз. Зеро, бизни бутун халқимиз, Президентимиз қўллаб-қувватлаб турибди.

...Ўзбекистон спорт делегацияси Пекинга жўнаб кетиши муносабати билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда спортчилар, мураббийлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли юрдошларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев спортчиларимизни XXII ёзги Олимпиада ўйинларида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани билан табриклаб, мусобақа майдонларида уларга зафар ёр бўлишини тилади.

Пекинда ўтадиган Олимпиада ўйинларида 58 нафар олимпиадчимиз юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшак эшиш, трямплинг, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Спортчиларимиз Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароит яратилди. Ҳамюртларимиз юздан зиёд ўқув-машғулот йиғинларида жиҳозий, тактик ва техник тайёргарлик машғулотларини ўтади.

Пекин Олимпиадасида иштирок этадиган йигит-қизларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари голиб ва совриндорлари — эркин курашчилар Артур Таймазов, Дилшод Мансуров, боксчилар Аббос Атоев, Баҳодир Султонов, Дилшод Махмудов, каноэда эшак эшиш бўйича Осиеў ўйинлари ва китча чемпиони Вадим Меньков, ўсириллар ўртасида баландиқка сакраш бўйича жаҳон биринчилиги голибаси Светлана Радзивиц, юриш бўйича китязимининг энг кучли спринтерларидан Гузэл Хуббиева каби етакчи спортчиларнинг борлиги олимпиячиларимизга бўлган ишончини янада оширади.

Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров спортчиларимизга Олимпиада ўйинларида юксак муваффақиятлар тилади ва янги шеърларидан ўқиб берди.

Тадбирда спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича китча чемпиони Абдулла Тангриев, таэквондо (ВТФ) бўйича ўйинлари голибаси Евгения Каримова ва бошқалар спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга миннатдорлик изхор этиб, Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга сўз бердилар.

— Олимпиада ўйинлари — ҳар бир спортчи катнашишни озу қилаётган мусобақа, — дейди ўқ отиш бўйича жаҳон кубоғи соҳибини Дилшод Мухторов. — Лекин у фақат спорт беллашувларидан иборат бўлиб қолмай, дунё мамлакатларида спортни, олимпия ҳаракатини ривожлантиришда амалга оширилаётган ишлар бераётган самараларни кўрсатадиган ўзига хос кўзгу ҳамдир. Олимпиада ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритиш тасодифан бўлмайди. Шу боис биз, спортчилар Олимпиадада овоз ва обод юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни юксак бахт, деб биламиз. Ишончимиз қомилки, Пекинда эришажақ натижаларимиз ҳам аввалги Олимпиадаларда қўлга киритилган ютуқларимиздан кам бўлмайди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Холмурод САЛИМОВ,
Ўза мухбирлари

Қисқа сатрларда

• **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туманлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

• **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ёш тадбиркорлар ўртасида ташкил этилган «Ёш тадбиркор — элга мададкор» лойиҳаси доирасида ўтказилган минтақавий семинар ниятида ташкил этилган болалар майдончаси қад ростлади.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 5-мавзуда «Лукойл» компанияси ҳомиёлигида бунёд этилган болалар майдончаси қад ростлади.

• **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйи сартарошлик курси ташаббуси билан «Очик дарс» тадбири уюштирилди.

• **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бичиш-тиқиш тўғараги аъзолари томонидан тайёрланган миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбир якунида «Камалак» дастаси ва «Наво» ансамбли хонандалари ҳамда созандалари ижросида концерт томошаси уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ТАДБИРКОР

Молиявий ҳимоя

КИЧИК БИЗНЕС — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РАВНАКИДА КИЧИК БИЗНЕС, ХУСУСИЙ ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК, ҚАСАНАЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОР. ТАЪКИДЛАШ КЕРАККИ, БУНДАЙ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЗАМИРИДА ҲУКУМАТИМИЗ, ҚОЛАВЕРСА, МОЛИЯВИЙ МУАССАСАЛАР ТОМОНИДАН УЛАРГА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНЛИГИ, МОДДИЙ ЖИХАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНЛИГИ МУЖАССАМ.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам ушбу соҳа вакиллари моддий жиҳатдан таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келаётир. Банк ўз мақсад ва вазифалари доирасида кишилардаги ишбилармонлик, тадбиркорлик, яратувчанлик салоҳиятини рўйбга чиқаришда қамарбаста бўлиб келмоқда. Шу босқичдан ҳам республикадаги энг ёш молиявий муассасалардан бири ҳисобланадиган «Микрокредитбанк»нинг сармояларидан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

—Аҳолининг кўлига микросармояларимиз етиб боришда ҳукуматишимиз, Президентимиз томонидан амалиётга татбиқ этилаётган қарор ва фармонларнинг аҳамияти катта, — дейди банкнинг амалиёт бошқармаси раҳбари Мирзохид Жаббаров биз билан суҳбатда. — Бундан ташқари, «Микрос банк учун эмас, балки банк микрос учун» тамойилининг устувор вазифа сифатида қўйлаётгани фаолиятимизни янада жадаллаштириди. Зеро, бугунги давр талаби шундай. Яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар банклар ўртасида юзга келган рақобат муҳити шундай иш тутишни тақозо этади. Мижозларга қўлайлик яратиш, уларни жорий этилган хизматлари-

миздан баҳраманд этишда барча имкониятлар ишга солиналти. Бунинг натижасида мижозларимиз фаолияти кенгайиб, улар ишлаб чиқаришда муносиб ўрин эгаллашмоқда.

Албатта, ҳар қандай хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг мавқеи ва кўрсаткичлари хизмат кўрсатилувчининг фаолиятида намоён бўлади. Шу ўринда мижозлар фаолиятдан мисолларга мурожаат қилиб ўтадиган бўлсак, пойтахтимизда фаолият юритаётган «Seldom Servis», «Guzal Tekst» хусусий корхоналари айнан шу банк маблагларидан фойдаланганлар сирасига киради. «Seldom Servis» асосан ёшларни ўқитишга мўлжаллаб ташкил қилинган. Бунинг учун эса озгина маблаг зарур эди. Шу боис корхона вакиллари «Микрокредитбанк»ка мурожаат қилишда ва ба мақсада ҳам тез орада ҳал этилди. Яъни режанинг пухталиги ва банкнинг қўллаши самара бериб корхонага 8044,0 минг сўмлик замонавий компьютер микролизинг асосида олиб берилди. Хозирда ушбу корхонада 6 нафар янги иш ўринлари яратилиб, улар ёшларни ҳар хил турдаги ҳунар ва саводхонлик курсларида ўқитиб келишмоқда.

Хозирги истеъмолчи маҳсулотнинг сифатлисини талаб қилади. Харидор бирор

бир нарса сотиб олишдан олдин унинг сифати ва қафолатига жиддий аҳамият беради. Буюртмачи ишнинг тез битишини хоҳлайди. Табиийки, бу бозор талабидан келиб чиққан тушунча. Демак тадбиркорнинг масъулиятини оширадиган ҳақиқат ҳам оддий — шунга яраша ҳаракат қилиш, маҳсулотини имкон қадар тез ва истеъмолчи дидига мос тайёрлаб беришдир. Хусусий тадбиркор Интизор Абдалниёзов томонидан алюмин эшик-ролар худди шундай талабларга мос равишда ишлаб чиқарилмоқда. Банкдан олинган 16000,0 минг сўм миқдордаги кредитнинг мақсадли ишлатилиши ишларнинг ривожланишига сабаб бўлди.

—Мижозларимиз ичида бундай тадбиркорлар бисёр, — дея сўзида давом этади Мирзохид Жаббаров. — «Едгор С», «Sahoba» масъулияти чекланган жамиятлари, «Бегоний мода», «Севара бон» хусусий корхоналарини айни пайтда нафақат пойтахтимиз ахли, балки бошқа вилоятдагилар ҳам билишади. Умуман олганда, 2008 йилнинг олти ойи мобайнида бошқаримиз 41 мижозга 148,2 миллион сўмлик микрокредит, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 547,7 миллион сўмлик кредит ажратди. 24 мижозга 572 миллион сўм миқдорда лизинг хизматлари кўрсатилди. Тадбиркор аёл ва аёллар бошқаридиган корхоналар учун жами 46,335 миллион сўм кредит ажратилган. Шунингдек, бошқаримиз томонидан Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чораларни таъинлаш» қарори асосида 109,9 миллион сўмлик истеъмол кредитлари берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кузланган мақсад аҳоли фаровонлигини, турмуш шaroитини янада яхшилаш, хизмат ва сервиснинг сифатини ошириш, уларга қўлайлик яратиш орқали республикаимиз иқтисодиётини юксалтиришдир. Бундай эзгу ниятли ишларда эса «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки, унинг амалиёт бошқармаси муносиб хисса қўшиб келмоқда. Жамоянинг ҳар бир ташаббусни эътибордан четда қолдирмай, ўз сармояларини ана шундай хайрли ишларга йўналтириб, янги-янги тақлифларни илгари суришдаги фаоллиги бугунги меҳнат шижоатидан кўриниб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМДА

ТАДБИРКОРМАН — БАХТИЁРМАН

• МУҲАББАТ ТОШМУҲАМЕДОВА, «NURAFSHON NUR» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ РАҲБАРИ, «ТАШАББУС—2008»НИНГ УЧТЕПА ТУМАН БОСҚИЧИ ГОЛИБИ:

— Мустақиллигимизнинг ўтган 17 йилга назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотларнинг самарасидан бениҳоя фахрлиб кетамиз. Истиклол шарофати билан жаҳонга юз тутган юртимизда ҳар бир жаҳада ўзгариш юнгилашлар кўзга аққол ташланмоқда. Айниқса, Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда тадбиркорлик соҳаси ривожига кенг йўл очилганиги уларнинг сафи ортишида, кейинги йиллардаги Президентимизнинг тадбиркорликка оид қатор Фармон ва қарорлари эса ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Тадбиркорликка очилган кенг йўл азалдан ишбилармон бўлган ҳамюртларимизнинг дилафти эзгу ниятларини янада жўшдириб, фаолиятларини йўлга қўйишларида, байрат-шижоатларини намоён этишларида муҳим омили бўлди. Ўз госясини амалга ошириш, юрт ривожига муносиб хисса қўйишни дилига тўққан инсонлар яратилган ҳар бир имкониятдан, истиқлолнинг буюк неъматларидан оқилона фойдаланишмоқда.

Яна бир қувонарли томони эса жамиятда хотин-қизларимизнинг ўрни янада фаоллашди, улар ҳаётнинг олдинги сафларидан бўлишлари, нима-ларга қодирлигини кўрсатишлари учун қўлайликлар кенгайди. Буни эркакларимиз билан баб-баравар беллашиб тадбиркорликда катта муваффақиятларга эришаётган тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Мен ҳам ана шундай тадбиркор аёллар сафидан эркин фаолият кўрсатаётганимдан, иқтисодиётимиз равангага муносиб улуш қўшаётганимдан, ватандошларим қорига яраётганимдан, хотин-қизлар учун ишчи ўринлари яратаяётганимдан бениҳоя хурсандман. Аввало ҳукуматишимиз, Президентимизнинг биз учун яратаяётган ҳар бир имкониятидан баҳраманд бўлган ҳолда меҳнат қилаётганимдан, ўз бизнесини муваффақиятли амалга ошираётганимдан, юртимга фойда тегаяётганидан фахрланаман. Ушбу фахрлини туйғуси билан Мустақиллик шарофатидан, озов ва обод юртим жамолидан баҳраманд бўламан.

Энг улуг ва энг азиз шодиёна—Истиклол байрами ўзгача шукҳ олиб келадиган кунлар яқинлашаётгани бизни янада баракали меҳнат қилишга ундамоқда. Энг муҳими эса меҳнатларимиз, саъй-ҳаракатларимиз қадр ва эъзоз топишда, рағбатларга сазовор бўлапти. Корхонамизда қўллаб соҳа ҳодимлари учун қўлай ва импорт ўрнини босувчи махсус либос ва пойабзаллар тайёрлаймиз. Уларни ишлаб чиқаришда хоржий дастгоҳлар қувватидан, илгор замонавий технологиялардан самарали фойдаланамиз. Хоржий ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлаш учун яратилган имкониятлар ҳам Мустақиллигимиз туфайли бўлиб, айни пайтда экспортни йўлга қўйишга интиляпмиз.

Мен тадбиркорлиқни танлаб кам бўлмадим. Жорий йил бошида Республикаимиз Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўриқ-танловининг Учтепа туман босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, шаҳар босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси голиб бўлдим. Буларнинг барчаси мустақил юртим эъзози, буюк неъмат—мустақилликнинг шарофатидир. Айни пайтда зиммамиздаги буюртмаларни тез ва соз адо этиб, янги моделлар яратиб, қўлғу айёмини ўзгача шукҳ билан қўтиб олишга интиляпмиз.

ТАДБИРКОР БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ИЗЛАНСА, ЯНГИ-ЯНГИ ХАРИДОГИР МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТСА, МЕҲНАТИ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ, БОЗОРДА ЎРНИНИ ТОПАДИ.

САҲНА ПОЙАБЗАЛЛАРИ

ди. Уларнинг буюртмаларини бақарар эканмиз, юртимизда санъат соҳаси ривожига хисса қўшаётганимиздан фахрлиб кўямиз. Яна бир жихатини оладиган бўлсак, биз тайёрлаган пойабзаллар санъаткорлар



билан биргаликда дунё кезади, миллий санъат ва маданиятимизни жаҳон ағлига намойиш этишда хисса қўшади. Хусусий тадбиркор ҳар бир буюртмани қабул қилар экан, аввало эскизни мукамал ўрганади ва шу асосда пойабзал тайёрлаш учун хом ашё танлайди. Таърихий саҳна асарлари учун тайёрланган пойабзалларида азалий кадрларимиз, миллий урф-одатларимиз аққол кўриниб туради.

Дилноза СОДИКОВА СУРАТЛАРДА: тайёр бўлган саҳна пойабзаллари, хусусий тадбиркор Аҳмадjon Зияев. Ҳақимжон Сулиҳов олган сурачлар

Сўранг, жавоб берамиз

ФИРМАЛАР ҚАНДАЙ ТУРЛАРГА БЎЛИНАДИ?

Фирмалар қандай ташкил этилади ва уларнинг нечита тури мавжуд? Шу ҳақда газетангиз орқали маълумот берсангиз. **Насиба Қўзиёева, коллеж талабаси** Фирма бозор учун ишловчи корхона ҳисобланади. Корхона бўлиш мўлжа тааллуқли бўлишдан қатъи назар, улар фирма, завод, фабрика номилари билан юритилади. Фирма муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашади, бозордаги талаб ва тақлифдан келиб чиқиб иш юритади. У иқтисодий жиҳатдан

эркин ва мустақил бўлади. Узининг фаолият йўналишига қараб фирмалар кичик, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикаимиз Қонунларида кўра кичик корхоналар уларда ишловчилар сонига қараб ажратилади. Унга кўра ҳодимларнинг ўртача сони санаот ва қурилишда 50 нафаргача, фан ва илмий хизматда 10, кишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 25, ноишлаб чиқариш соҳасида 10, чакана савдода 5 нафаргача бўлиши лозим.

Кичик фирмалар асосан истеъмол буюмларини иш-

лаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг таърибаси шуни кўрсатадики, узоқ давом этадиган иқтисодий инкироз муҳитида асосан истеъмол товарларини ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар, йирик корхоналарга нисбатан камроқ жабр-ланиши баробарида ўз маълумотларини мустақамлаб ҳам олишади. Бу ҳол эса уларни иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг муҳим омилга айлантиради.

Кичик ва ўрта фирмалар серкапитал бўлмайди, шароитта тез мослашади, улар

учун пул топиш осон, муҳими иқтисодий хатар камроқ бўлади.

Йирик фирмалар мустақам ишлаб чиқариш, технологик ва хом ашё базасига эга бўлиб, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этади.

Шунингдек, хусусий фирмалар айрим шахс ёки оилага тегишли бўлган яққа хусусий мўлжа асосланиб фаолият кўрсатадиган корхонадир. Бир неча соҳибнинг мулкни бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинган фойдани баҳам қўришга асосланган шерикчилик корхонаси ширкат фирма дейилади.

Интилаганга толе ёр

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЭРКИН ФАОЛИЯТ КўРСАТИШЛАРИГА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАШ УЛАРНИНГ САФЛАРИ КЕНГАЙИБ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДАГИ УЛУШИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Олмос-тоймос» масъулияти чекланган жамияти ҳам 2003 йилда иш бошлаган бўлиб, бу ерда асосан озик-овқат маҳсулотлари учун турли хил ишлаб чиқариш ҳамда ёритиш мосламалари учун ишлаб чиқариш ишлаб чиқарилади.

—Ҳукуматишимиз ва Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама рағбатлантирилиб, унинг ривожини қаратилаётган катта эътибор бизни ҳаминга руҳлантиради, — дейди корхона раҳбари Дониёр Турсунов. — Илк фаолиятимиз даврида бир нечта ишчи билан иш бошлаган бўлсак, бугунги кунда ишчи-хизматчиларимиз сони 20 нафардан ортиб кетди. Асосан буюртмалар асосида иш олиб борамиз. Ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг буюртмаларини адо этиб, улар тайёрлаётган турли хил озик-овқат маҳсулотлари учун 50 миллиграмдан 400 миллиграммгача бўлган ишлаб чиқариш етказиб бермоқдамиз. Маҳсулотимиз сифати ва чидамлилигига эътибор қаратамиз, буюртмаларни ўз вақтида тайёрлаб берамиз.



Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТДА: корхона цехларидаги иш жараёни **Максим Черногаев олган сурат**

Албатта, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг харидориги бўлишида унинг истеъмолчи талаб ва эҳтиёжига яраша қадокланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тадбиркорларнинг кичик сизимдаги бежирим ва турли қолиплар асосида тайёрлаган ишлаб чиқариш ниҳоятда қўл келмоқда. Бугунги кунга келиб маҳсулот турлари 10 хилдан ортиб бормоқда.

Тадбиркор жамоа ахли келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида замонавий технологик линия келтиришни ва илгор технологиялардан самарали фойдаланиш янада кичикроқ ҳажмдаги идишларни тайёрлашни кўзда тутишмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтган «Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорда йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор» деган жумлаларини тўғри англаб етмоқдалар. Кичик корхона тадбиркорлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги техникалар олиб келиб маҳсулотнинг харидориги ва рақобатбардор турларини кўпайтириш баробарида янги ишчи ўринлари яратишни ҳам кўзда тутишган.

Шарофат БАҲРОМОВА СУРАТДА: корхона цехларидаги иш жараёни **Максим Черногаев олган сурат**

Алоқа

АУДИТ КОНФЕРЕНЦИЯ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЙАТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН КЕНГ ФойДАЛАНИШ УЧУН ҚўЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР МУҲАЙИ ҚИЛИНМОҚДА.

Бунда «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Президент Фармони амалий дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу муҳим йўриқнома асосида «Ўзмаҳсулотлари» акциядорлик компанияси тизими корхоналарида «Гермес» электрон ҳужжат алмашуви ҳамда аудит конференция алоқа тизими жорий қилинди.

Шунингдек, интернет тармоғидан эркин фойдаланиш йўлга қўйилди.

МАТЕМАТИК МОДЕЛ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ» СОҲАСИ ҲАМ РИВОЖ ТОПИМОҚДА.

Ўзбекистон Миллий университетида компьютер лингвистикаси лабораторияси ташкил этилган, бу йўналишда малакали кадрлар етиштириб чиқа бошлади.

Олий ўқув юрти Ўзбек филологияси факультети ҳузурда «Компьютер лингвистикаси» кафедраси очилганига эса беш йил бўлди. Мутахассис олимлар изланиши билан ўзбек тилининг математик моделини яратиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари таълимий электрон ишланмалар ҳам юзга келди. Бу ва шунга ўхшаш изланишлар ўзбек тилининг ахборот-компьютер услубини шакллантириш имконини берди.

ФАОЛЛАРГА СОВГАЛАР

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Ана шу жараёнда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида ҳам қатор тадбирлар қўрилди. Анкета сўровномаси шаклида уюштирилган маркетинг тадқиқотида фаол қатнашган шахсларга совғалар тақдим этилади.

Таълим

ИНФОРМАТИКА ФАНИГА ЭЪТИБОР

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ДОИРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ФАНЛАР БЎЙИЧА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМИ СТАНДАРТЛАРИ ҲАМДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЎқУВ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИШГА КИРИШИЛГАНЛИГИ ҲАМ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ.

Республика таълим маркази саъй-ҳаракати билан бир неча фандан таърибга синов ишлари ҳам олиб борилмоқда. Янги 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб ўқув режасига информатика фани учун ажратилган соатлар сони ортади. Марказнинг «Таълим жараёнини ахборотлаштириш» бўлими томонидан тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

ТАЛАБАЛАР ИЗЛАНИШДА

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ «ОЛИЙ МАТЕМАТИКА» КАФЕДРАСИДА ИҚТИДОРИ ТАЛАБА-ЁШЛАРИНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ УЧУН ҲАМ ҚАТОР ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАН.

Бу ерда «Математик моделлаштириш» илмий йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар орасида толиб илмларнинг ишлари ҳам бор. «Пифагор теоремаси ва натурал сонлар», «Дискрет фуре алмаштириш» каби изланишлар талабалар талланган мутахассислигига керак бўлади-ган мавзулар доирасида юзга келди. Бу сингари тадқиқотлар олий ўқув юртида ўтказилган илмий анжуманда ҳам яхши баҳоланди.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДАН ДАРСЛИК

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАН СИФАТИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ҚИЛИНГАНГА ФАНОР НЕЧА ЎН ЙИЛЛАР БЎЛДИ. БУ БОРАДА ҚАТОР ДАРСЛИК ВА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎқУВЧИЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛИКЛАРИДАН ҲАМ КЕНГ ФойДАЛАНИЛМОҚДА.

Биринчи-тўртинчи синфлар учун тайёрланган дарслик эса республика таълим маркази «Жисмоний тарбия» йўналишидаги илмий-методик кенгаш томонидан қайта нашр этишга тавсия қилинди.

ЯНГИ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШДА

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА «ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ» ДЕГАН ЙЎНАЛИШДА ҲАМ КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Олий ўқув юртининг гидромелиорация факультети олимлари томонидан амалга оширилган навбатдаги экспедицияда пойтахт вилоятининг тупроқ агрохимёси масаласи ўрганилди.

Акбар АЛИЕВ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигига

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 9 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ЮРТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРҒОХИНИНГ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, ЮРТИМИЗ ИЛМ-ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ, ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ, ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИМИЗНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДАГИ БЕКИЁС ЎРНИ ВА УЛКАН ҲИССАСИНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ БЎЛДИ.

Хозир университет бакалаврияти ва магистратурасида 38 йўналиш ва 88 мутахассислик бўйича 11 миң нафардан ортиқ талаба тахсил олмақда. Уларга 22 академик, 800 фан доктори ва профессор, фан номзоди ҳамда доцент, 200 дан зиёд катта ўқитувчи ва ассистент сабоқ бермоқда. Шунингдек, бу ерда юзлаб аспирант ва докторантлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Университетда 15 факультет, Амалий физика илмий-тадқиқот институти, Олий педагогика институти фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги йирик ва бой кутубхоналардан бири саналган Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонаси – ахборот-ресурс маркази ушбу таълим даргоҳи ҳаётида муҳим ўрин тутди. Зеро, юксак маънавий манбаи бўлган китоб ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама камил шахсни камол топтиришда бекиёс аҳамиятга эга. Марказ фондида 3 миллиондан ортиқ китоб мавжуд. Жумладан, шунинг 1,2 миллионини дарслик ва ўқув қўлланмалари, 650 мингини илмий адабиётлар, 246 мингини хорижий адабиётлар ташкил этади. Бундан ташқари, бу ерда минглаб бадиий адабиётлар, мамлакатимиз ва чет элда чоп этилаётган илмий журналлар, даврий матбуот нашрлари, электрон шаклдаги дарсликлар мавжуд.


Марказнинг 12 миңдан зиёд доимий ўқувчисиغا марказий факультетларга ўқув зали, электрон ўқув ва электрон каталог заллари, илмий адабиётлар билан ишлаш каби бир қатор бўлимлар хизмат кўрсатиб келмоқда. Ахборот-ресурс марказига ҳар йили 200 номда 25 миңдан зиёд адабиётнинг келтирилиши китобхоналарнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини бермоқда.

Марказни хорижий адабиётлар билан таъминлаш мақ-

садида чет эллик ҳамкорлар билан кенг алоқа йўлга қўйилган. Бу борада Россия, Франция, Бельгия, Чехиянинг қатор илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда.

— Президентимиз Ислам Каримовнинг Миллий университети 90 йиллигини нишонлашга оид қарори барча қатори биз, кутубхоначилари ҳам беҳад қувонтирди. — дейди университет ахборот-ресурс маркази директори ва зифасини бажарувчи Клавдия Шатрова. — Ушбу ҳужжат мамлакатимизда таълим соҳасига, эртанинг эгалари бўлган ёш авлод камолоти борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яқол далили бўлди. Ўзбекистон Миллий университети билан тенгдош бўлган марказимиз ҳам 90 йилдики, зиё тарқатиб, ёшларимизнинг пухта билим олиши, ўз дунёқарашини кенгайтиришига муносиб ҳисса қўшиб келаётди. Қўлаб илм-фан намояндалари, ёш тадқиқотчилар айнан шу даргоҳда тўлланган бой илмий манбалардан ўз изланишларида кенг фойдаланмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс маркази мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳлари ахборот-ресурс марказлари учун методик марказ вазифасини ўтамоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кутубхоначилик ишини замон талаблари асосида, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда тақомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорга биноан, университет кутубхонаси электрон каталогини, тўлиқ матнли электрон ресурсларни яратиш фаол давом эттирилмоқда. Бунда замонавий ИРБИС тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Марказга келаётган



нашрларнинг библиографик тавсифи мазкур тизимнинг электрон каталогига киритилаётди.

Марказда ташкил этилган электрон ўқув ва электрон каталог залларида ўқувчилар мавжуд китобларнинг библиографик тавсифи, адабиётларнинг электрон вариантларидан фойдаланиши мумкин. Мавжуд адабиётларнинг тўлиқ матнли электрон вариантларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

2006 йилда ахборот-ресурс марказида сақланаётган қадимий китоблар асосида Ноеб қўлёзмалар музейи ташкил этилди. Музей фонидан XVI-XХ асрларда туркий, араб, форс тилларида яратилган, Марказий Оснб тарихи, географияси ҳамда фалсафа, тиббиёт, астрономия, математика, филология, диншунослик фанлари, сўфизми, шеъринг, адабиётга оид 1465 ноеб қўлёзма, тошбома асарлар ўрин олган.

Шарафиддин али Яздийнинг "Зафарнома" асари музейдаги ана шундай қўлёзмалардан бўлиб, 1454 йилда машур хаттот Камолддин Беход томонидан қўчирилган. Бу қўлёзманинг яна бир нусхаси эса Париж университети кутубхонасида сақланмоқда. Музейда, шунингдек, Алишер Навоийнинг "Хамса", Захриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", "Темур тузуқлари", "Искандарнома" сингари муҳим тарихий-маданӣ аҳамиятга эга асарларнинг қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Мазкур музейнинг ташкил этилиши бундай нодир қўлёзмалар билан қизиқаётган олим ва тадқиқотчиларнинг тарихимиз билан янада яқинроқ танишишда муҳим аҳамиятга эга.

Университет ахборот-ресурс маркази талаба-ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Бу ерга келган киши қўлаб ёшларнинг турли адабиётлар муролаеси билан бандлигини қўриши мумкин. Хатто, ёши таътил пайти бўлишига қарамай, ҳозир ҳам бу ерда қўлаб илгма чанқок ёшларни учратиш мумкин. Айни чоғда марказда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, кизикarli учрашувлар, давра суҳбатлари, курғазмалар ўтказиш анъанаси айланган. Ёшларимиз ўртасида мутолаа маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётган бундай тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, нафақат чуқур ва ҳар томонлама билимга эга, шу билан бирга дунёқараши кенг, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланган янги авлодни шакллантириш давлатимиз раҳбари юрифтаётган сисёатнинг устувор йўналишларидандир. Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс маркази ҳам ёшларимизга зиё тарқатиш орқали ана шу эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Олим ТУРАКУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ЎҚУВ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ РАИСЛАРИ, КАДРЛАР БЎЛИМИ БОШЛИҚЛАРИ ВА ЮРИСТЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

СОҲА РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

Тадбирда иш берувчи билан меҳнат шартномаси қандай тузилиши, унинг мақсади ва вазифалари ҳақида фикрлар билдирилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари томонидан Меҳнат қончилигининг жойлардаги ижроси қай даражада эканлигига ҳам эътибор қаратилди.

Анжуман доирасида иштирокчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда мунозара-ўйин тарзидаги машғулот ҳам ўтказишди. Унда биринчи гуруҳ бошланғич касабалари "Жамоа шартномаси тузилишини афзалликлари ва унинг ижроси тўғрисида"ги мавзуда ўзаро фикр алмашишди. Иккинчи гуруҳ кадрлар бўлимлари бошлиқлари ва юристлар иштирокида "Меҳнат" қончилиги ҳақида мунозара-ўйин машғулотлари ташкил этиди.

Тадбирда таъкидланишича, ўтказилган ушбу ўқув-семинардан қўзланган асосий мақсад соҳага жалб этилган ёш мутахассисларни билим ва малакаларини янада оширишдан иборат. Эллиқдан ортиқ соҳа ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари томонидан маърузалар тингланди.

Тақдимот чоғида Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни йўлга қўйиш, Украина компанияларининг Ўзбекистонда ўтадиган курғазма ва ямаркалардаги иштирокини таъминлаш юзасидан амалий фикр алмашилди.

Анжуман доирасида мамлакатимизда эълон қилинган "Ёшлар йили" ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган курғазманинг очилиши бўлиб ўтди.

Уч бўлимдан иборат бўлган экспозициядан ўзбекистонлик ёш дизайнерларнинг замонавий миллий либослар коллекцияси, Тошкент расомлар уйи тўпلامларига кирувчи Ўзбекистон тарихи ва бугунги кунига бағишланган фотосуратлар ҳамда расоом А.Холиқов томонидан яратилган ва юртимизнинг бетакрор табиат манзараларини акс эттирган расмлар жой олган.

Курғазманинг очилиш мароси-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН 7 АВГУСТИГА ҚАДАР "ГЎДАКЛАРНИ ОНА СУТИ БИЛАН БОҚИШ" ҲАФТАЛИГИ ЎТҚАЗИЛАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ҲАМДА БМТ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ЮНИСЕФНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ОНА ҲАФТАЛИК

Мамлакатимизда инсон саломатлигини ҳимоялаш, фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётди. Олис ҳудудларда ҳам кишлоқ врачлик пунктлари барпо этилмоқда. Беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, уларни замон талаблари асосида қайта тайёрлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тадбирда мамлакатимизда тиббий маданиятни ошириш, соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялашга амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижалари хусусида фикрлар билдирилди. Юрт келажак бўлган ёшларнинг камол топиши, ҳаётида ўз ўрнини эгаллаши, соғлом вояга етиши, албатта мамлакат эртасига дахлдор. Қолаверса, ота-оналар нафақат фарзанд тарбияси, балки унинг саломатлигига ҳам масъулдир.

Анжуманда ҳафта давомида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилди.

ДОНЕЦК ОБЛАСТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

УКРАИНАНИНГ ДОНЕЦК ОБЛАСТИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИДА ЮРТИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИНИ ИСЛОҚ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ХУСУСИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ.

мида Донецк области маъмурияти ҳамда жамоатчилиги вакиллари, маҳаллий журналистлар иштирок этди. Дастлабки кунданок курғазма донецклик мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Улар эътиборига «Келажакка интилиб», «Ўзбекистонга тақлиф», «Тошкент – Ислам маданияти пойтахти» ҳужжатли фильмлари намойиш этилди.

Донецк области Савдо-саноат палатаси президенти Г.Чижиков палатанинг тарихий биносидан бу каби ранг-баранг курғазма илк бор ўтказилаётганини таъкидлаган ҳолда, «анжуман барча иштирокчи ва меҳмонларга Ўзбекистон дийрига ўзига хос саёҳат

қилиш имконини берди», - деди.

Украинада чоп этиладиган ишбилармонларнинг «Меркурий» журнали бош муҳаррири Н.Степаненконинг айтишича, курғазма илчам бўлса-да, ўзига Ўзбекистон таровати ва гўзаллигини тўлагича акс эттирган. «У бизга масофа жиҳатдан узок, аммо руҳий жиҳатдан яқин бўлган меҳнаткаш ва меҳмондўст халқингиз яшаб, меҳнат қилаётган гўзал ўлканинг шукҳини яна бир хис этиш имконини беради», — дейди Н.Степаненко.

Н.Степаненко Ўзбекистонга ижодий сафар уюштириш режаси ҳақида сўзлаб, ўзи раҳбарлик қилаётган нашр саҳифаларида

мамлакатимиз, унинг ютуқлари, кўҳна маданияти ва анъаналари ҳақида атрофлича ҳикоя қилиш нияти борлигини билдирди.

Курғазма очилиш маросимида иштирок этган Донецк миллий техника университети ректори, профессор А.Минаев ушбу олий ўқув юртида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишга бўлган интилиши ва юқори билим даражасини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда мазкур университетда 18 нафар ўзбекистонлик талаба таълим олиб, улар курғазмани ташкил этишда фаол иштирок этишди.

«Жаҳон» АА.
Киев.

«БУНЁДКОР»ЧИЛАР ШИЖОАТИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БУНЁДКОРЛИК, ЯРАТУВЧИЛИК ИШЛАРИ ТОБОРА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА. ҚУРИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ, ПЕДАГОГИКА ВА БОШҚА ЖАБҲАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНДАЙ ЭЗГУ ИШЛАР ЖАРАЁНИДА ТУРЛИ СОҲАЛАР МУТАХАССИСЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДАН ТУЗИЛГАН «БУНЁДКОР—2008» МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ АЪЗОЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТЛАР.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" иқтисодий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа доирасида қарий ўн беш миң нафар талаба камраб олинган.

Тошкент педиятрия тиббиёт институти ва Тошкент молия институти талабаларининг қарий бир юз ўттиз нафари ана шундай меҳнат гуруҳларига бирлашиб, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Болалар шифохонаси ва бошқа тиббиёт масканларини реконструкция қилиш жараёнида қурувчилар билан бир сафда туриб ишламоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари эса Собир Раҳимов туманида ёш оилалар учун барпо этилаётган уйлар қурилишида қатнашмоқда.

— Мен ишоотлар қурилиши ва дизайн мавзусида диплом иши ёзишга тайёрланмоқдам, — дейди мазкур институтнинг 3-курс талабаси Улуғбек Муҳиддинов. — Янги, замонавий андозалар даражасида барпо этилаётган ушбу уйлар қурилишида иштирок этаётганим бу жараёнда жуда фойда бераётди. Етақчи усталар ва қурувчилардан бинони мустаҳкам ва шинам, замонавий дизайн асосида барпо этиш услубларини ўрганаётимиз. Булар назарий билимимизни амалда синовдан ўтказиш билан бир қаторда келгусидаги фаолиятимизни ташкил этишга, ўз соҳамизнинг етуқ мутахассиси бўлиб етишишимизга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан пойтахтдаги қуйдаги топонимик объектлар номлари тартибга келтирилди:

Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудидаги Халқлар Дўстлиги кўчаси **Бунёдкор шоҳ кўчаси**, «Халқлар Дўстлиги» метро бекати **«Бунёдкор» метро бекати** деб номланди.

Чилонзор туманидаги Кичик ҳалқа йўли, Бунёдкор, Чилонзор ва Чўпонота кўчалари оралиғидаги ҳудудга **Умид даҳаси** номи берилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ ҲАРАКАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ТОШКЕНТДА 2 АВГУСТ КУНИ «ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИЯ ҲАРАКАТИ» ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар иштирок этди. Улар орасида жамоат ташкилотлари фаоллари, етақчи экологлар, экологик ҳуқуқ ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эди.

Конференция қатнашчилари мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимизда атроф-муҳит, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини қайд этди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келажак авлод учун тоза табиий муҳитни сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, узоқ муддатга мўлжалланган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда, Орол денгизини сақлаб қолиш ва Оролбўйидаги экологик аҳволни соғломлаштиришга оид қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилаётди. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, ҳавони соғломлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги қўлаб муаммолар ҳам ҳал этилмоқда.

Ушбу соҳадаги мавжуд вазифалар ва мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштиришга доир муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ҳамда ҳаво мусаффолигини яхшилаш, уларни зарарли чиқиндилардан ҳимоя қилишга доир амалга оширилаётган кенг қўламли дастурлар давлат органлари, жамоат биланшмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва мамлакатимиз барча фуқароларининг саъй-ҳаракатини биланштиришни тақозо этади.

«Ўзбекистон экология ҳаракати» жамоат бирлашмасини ташкил этиш гоёси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эколог олимлар, нодавлат ташкилотлар фаоллари, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда фермерлар иштирокида ўтказилган семинарлар, давра суҳбатларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилди. Бунда кенг жамоатчилик, ижод аҳли, депутатлар корпуси фикри ҳам ўрганиб чиқилди. Ушбу тадбирларда билдирилган фикрлар, истак ва тақлифлар ҳаракатнинг конференцияда муҳокама этилган Низоми ва Дастури лойиҳалари асосини ташкил этди.

Янги ҳаракатнинг асосий шиори «Соғлом муҳит – соғлом инсон» деб ҳисоблаган конференция иштирокчилари Ўзбекистон экология ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширишда эътибор қаратиши лозим бўлган вазифаларни белгиллади.

Мисол учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик аҳволни соғломлаштириш борасидаги ишларда жамоатчилик иштирокини жонлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа давлат ҳужжатларининг амалга оширилишини таъминлайдиган тизимли ишларни жорий этиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қўмақлашиш унинг муҳим вазифасига айланиши керак.

Бундан ташқари, мавжуд экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатларининг марказ ва жойларда сўзсиз бажарилиши, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қўмақлашиш ҳам ҳаракат фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши даркор. Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар саъй-ҳаракатини биланштириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам устувор вазифалар ҳисобланади.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди – Марказий кенгаш, Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Тадбир якунлангандан сўнг бўлиб ўтган Ўзбекистон экология ҳаракатининг янги сайланган Марказий кенгаши ялпи мажлисида ҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, унинг раиси ва ўринбосарлари сайланди. Ҳаракат Марказий кенгаши ва Ижроия қўмитаси таркибига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар сайланди.

(ЎЗА)

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИШ ДОМО БУЛУВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ Муҳаммадризо ОГАҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Бўлмағил эмин замони ҳодисоти даҳрдин, Гар жаҳон Искандари, гар худ фалак Баҳромидур.

Малул ўлма кўнгул ажзинга рўзи касб этар чоғда — Ки, Ҳақ лутфи бори махлуқнинг ризкига комилдур.

Оқил эрсанг қил тааммулким, жаҳон раъносига Бермаку олмоқ эрур осон кўнгул, душвор кўз.

Эй гулу булбул, бу кун суҳбатни онгланг мугтанам — Ким, бу гулшан ичра тонгла қолмағай осорингиз.

Бўлса хористон, не тонг, бечора булбулга ватан — Ким, жаҳон боғида ер йўқтур ҳужуми зоғсиз.

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз, Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо, Они хор этма дебон ҳар хуши йўқ хайвонга сўз.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдур — Ким, бўлуб сўз аҳли бағри қону бутгой қонга сўз.

Сангдил жоҳилга, тонг йўқ, сўз агар қилмас асар, Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ҳар хасосатшевага сўзингни зоеъ қилмағил.

Билмаган ўз қадрини, не билгуси сўз қадрини, Хайфдур доно демак нодону беирфонга сўз.

Раҳм этиб сўз холига жоҳилга оми демағил — Ким, бўлуб безор ондин келгуси афгонга сўз.

Шароф Ҳудойбердиев:

«МУХЛИСЛАРИМИЗГА ҚУВОНЧ ҲАДА ЭТИШ ЙЎЛИДА БОР КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАРИМИЗНИ САФАРБАР ЭТАМИЗ»

Бокс оламида Ўзбекистон вакиллари доимо етакчилар сафига бўлган. Мустақиллик йилларида юртимиз бокс мактабининг шон-шухрати янада юксалиб, ўзининг бор имконият ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш этди. Утган давр мобайнида спортчиларимиз жаҳон миқёсидаги энг нуфузли мусобақаларда мингга яқин (368 та олтин, 270 та кумуш, 346 та бронза) медалларни қўлга киритишга муваффақ бўлган фикримиз далилидир. Ортдошларимиз жаҳоннинг энг нуфузли рингларини забт этибгина қолмай, балки миллионлаб бокс ихлосмандларининг меҳр ва эътиборини қозонди. Пекин Олимпиадаси арафасида барчамиз спортчиларимизнинг, айниқса, ёрқин галабалари билан бизни «эркалатиб» юборган боксчиларнинг тайёргарлигини алоҳида эътибор ва умид билан кузатмоқдамиз. «Жаҳон» ахборот агентлиги вакили тўрт йилликнинг энг йирик мусобақасига тайёргарлик қандай кетаётганини хусусида бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Шароф Ҳудойбердиев билан суҳбатлашди.

Айтингчи, жамоанинг кайфияти, ундаги руҳий ҳолат қандай? Йигитлар Олимпиадага тайёрни? Йўқотишлар - жароҳат ва шикастланишлар йўқми? — Аввало, жамоанинг барча аъзолари соғ-саломат эканини айтиб ўтмоқчиман. Йигитлар мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтиб турибди. Жамоадаги муҳит — аъло даражада. Ҳамма жанговар кайфиятда. Барча бир-бирини қўллаб-қувватлаб, далда бериб турибди. Олимпиадага тайёргарлик кўриш жараёнида уч босқичли йиғинларни ўтказдик. Биринчи босқич июнь ойида Тошкент вилоятининг тоғли худудларида (Хўжакент туманида) бўлиб ўтди. Иккинчи босқич эса 30 июндан 17 июлга қадар шу ердаги Янгибод масканида ўтказилди. Сўнгги босқич пойтахтнинг ўзиде кечмоқда. 20 июлда бошланган тайёргарлик жараёни 4 августга қадар давом этади. Боксчиларимиз жуфтлик машғулоти, тезлик ва жисмоний кучни оширувчи машқларни бажаришяпти. Жамоамиз етти Олимпиада лицензиясини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Пекинда 48 килограммгача бўлган вазн тоифасида Рафиқ Султонов, Тўлашбой Дониёров (51 кг), Хуршид Тожибоев (54 кг), Баҳодир Султонов (57 кг), Дилшод Махмудов (69 кг), Элшод Расулов (75 кг) ва Аббос Атоев (81 кг) боради.

Спортчи ва мураббийлар ирими бўлиб, олдиндан башорат қилишни ёқтирмаслиги сир эмас. Шундай бўлса-да, Пекиндан қандай натижа кутиш мумкин, деган савол барчани ўйлантирмоқда. Асосий рақибларимиз ҳақида нима дея оласиз? — Боксчи Олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритганининг ўзи бир ютуқ. Бу спортчининг юқори имконият ва салоҳиятидан далолат беради. Аммо боксда, худди бошқа спорт турларида бўлгани каби, ҳаммаси спортчининг ўзини боғлиқ эмас. Биринчидан, галаба йўлида рақиб туради. Шунинг учун мусобақа бошида, қуръа пайтида имкониятлари тенг рақиб билан рингга чиқиш муҳим. Бинобарин, бундай рақиб билан кечадиган беллашув чоғида спортчида ўз кучига бўлган ишонч ортади. У курашнинг «мазасини тотиб», мусобақа гаштини ич-ичидан ҳис қила бошлаганидан кейин уни ҳеч нарса тўхташ олмайди. Рақиблар ҳақида гапириб, аввало, Россия ва Куба боксчиларига эътибор қаратиш даркор. Улар бизнинг азалий рақибларимиз. Ушбу мамлакатлар боксчиларининг чиқишларини диққат билан кузатиб бораёلمиз ва ким нимага қодир эканини яхши биламиз. — Айрим мутахассислар Ўзбекистон термаси ҳозир авлодлар алмашинуви жараёни бошидан кечиряпти,

деган фикрда. Бу жараён қандай кечяпти? Янги авлод вакилларида қимиларни таъкидлаб ўтишни истардингиз? — Авлодлар алмашинуви табиий ҳолат. Фаолиятга яқун ясаётган спортчининг ўрнини янги эгаллайди. Биз ҳам ана шу босқичдан ўтаёلمиз. Лекин бунда биз мутаносибликни бузмасликка алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Олимпиадага борадиган боксчилар орасида тажрибали спортчилар билан бир қаторда эндигина юлдузи чарқлаб келаётган йигитлар ҳам бор. Жумладан, 19 ёшида Афина Олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлган Баҳодир Султонов, қўллаб-қувватловчи мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари Тўлашбой Дониёров ҳамда Дилшод Махмудов — кўпни кўрган, тажрибали боксчиларимиз. Барча иштирокчилар орасида ягона амалдаги жаҳон чемпиони Аббос Атоев, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Элшод Расулов, Хуршид Тожибоев ҳамда Рафиқ Султонов эса ўзбек бокс мактабининг ёш ва умидли вакиллари.

да ҳаяжон босиб, бор имкониятларини кўрсата олмайди. Лекин Аббос Атоев ҳамда Баҳодир Султонов каби боксчиларимиз ҳам борки, улар учун қаерда, қайси мусобақада катнашишнинг фарқи йўқ — беллашувга улар доимо бор имкониятларини сафарбар эта олади. Бу йигитлар спортчилар тили билан айтганда, «темир асабли», ўта мохир спортчилардир. — Миллий терма жамоа мураббийи сифатида юртимизда бокс соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қўламини ҳақиқатда тўлиқ тасаввурга эгасиз. Эришган натижаларни янада мустаҳкамлаш учун қандай чора-тадбирларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайсиз? — Бу ҳақда гапириб, аввало, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан бокс соҳасига қўрсатилаётган катта эътиборни мамнуният билан таъкидлашнинг истардим. Биз Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон бокс федерациясининг кўмагини ҳамisha ҳис қилиб келамиз. Муаммо ва илтимосларимиз доимо тезкорлик билан ҳал этилади. Шу маънода, бизнингча, қўллаб-қувватловчи ёшларимизни етиштириб бераётган вилоятлардаги боксчилар тайёрлаш инфратузилмасини янада тақомиллаштиришга эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, боксчиларимиз тайёргарлик ва таъминот даражаси бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатлари вакиллари билан бахslashла олади. Аммо тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Ҳамма нарса ривожланапти, жумладан, бокс ҳам. Шу босис биз Ўзбекистон бокс мактабининг ютуқларини мустаҳкамлаш ва миллионлаб мухлисларга қувонч улаштиришга давом этиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. «Жаҳон» АА муҳбири Бобур СОБИРОВ суҳбатлашди.

Болалар спорти

КУЧЛИЛАР ЯРИМ ФИНАЛДА

МАЪЛУМКИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИЛМОҚДА, ХУСУСАН, МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР, МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА СПОРТ АНЖОМЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА, ЖОЙЛАРДА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ҲАР ХИЛ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.



Кеча эса шаҳримиздаги «Истиклол» стадионида 1979 йилгача ўзбек футбол шарафига учун тўп сурган «Пахтакор» футбол жамоасининг марҳум аъзолари хотирасини ёш авлод қалбига синдириш, ўсиб келаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда спортнинг ролини ошириш, ёзги таътил пайтида мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини марокли ўтказиш мақсадида жамғарманинг шаҳар филиали ташаббуси билан «Пахтакор» аънавий хотира турнири бошланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали соврини учун ташкил этилган ушбу турнирда жамғарма тасарруфидаги «Белтепа» (Шайхонтоҳур тумани), «Намуна» (С.Раҳимов), «Учтепа» (Учтепа), «Ниҳол» (Бектемир), «Навоий» (Тошкент вилояти), «Юнусобод» (Юнусобод), «Чилонзор» (Чилонзор), ОТМК (Тошкент вилояти), «Олимпия умидлари» (Сергели), «Кўшбеги» (Яккасарой), «Истиклол» (С.Раҳимов), «Шоликор» (Тошкент вилояти) каби ўн иккита 1998-1999 йилларда туғилган болалар жамоалари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юримоқдалар. Биринчи гуруҳда «Намуна» «Ниҳол»ни 1:0 ҳисобида ютган ва «Навоий» билан 2:2 дуранг натижа кўрсатган ҳолда 4 очко билан биринчи ўринни эгаллади. «Ниҳол» — «Навоий» баҳсида 4:1 ҳисоби қайд этилди. Иккинчи гуруҳда эса «Юнусобод» жамоасига тенг келадиганлар топилмади. Юнусободликлар «Белтепа»ни 1:0, «Учтепа» командасини эса 3:0 ҳисобида енган ҳолда 6 очко жамғариб ягона пешқадамга айланди. «Белтепа» — «Учтепа» ўйинида шайхонтоҳурликлар 2:0 ҳисобида галаба қозоништи. Учинчи гуруҳда эса ОТМК мезбонлардан устун эканлигини кўрсатиб, «Чилонзор»ни 1:0, «Олимпия умидларини» эса 3:0 ҳисобида доғда қолдириб, гуруҳни бошқарди. Учинчи ўйинда «Чилонзор» 1:0 ҳисобида «Олимпия умидларини» ютди. Ниҳоят тўртинчи гуруҳда майдон эгаси «Истиклол» рақиблари билан куч синашди. Уйда деворлар ҳам ёрдам беради, деганларидек, «Кўшбеги» ва «Шоликор»ни бир хил йирик 3:0 ҳисобида енгган «Истиклол» ҳам ярим финал нашидасини сурадиغان бўлди. «Кўшбеги» эса «Шоликор» устидан 1:0 ҳисобида галабага эришти. Бугун барча тўртта гуруҳнинг голиблари бўлмиш «Намуна» — «Юнусобод» ҳамда ОТМК — «Истиклол» жамоалари ўртасида ярим финал баҳслари бўлиб ўтди. Сўнг эса турнир голиби, қўшимча ўйинлар ўтказиб эса 5—12 уринлар соҳиблари аниқланади. Голиб ва совриндорларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг совғалари топширилади. (Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Пахтакор-79» хотира турнирининг биринчи кунидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

ШАҲРИМИЗДАГИ «МҲСК» СТАДИОНИДА ЎТҚАЗИЛГАН «ҚУРУВЧИ» — «ОТМК» ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ЯРИМ ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

ПОЙТАХТИМИЗ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

Шуни таъкидлаш жоизки, олий лигада иккинчи йил қатнашаётганга қарамай, жорий йилги мавсумда чемпионликка асосий даъвогар бўлиб турган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Қурувчи» жамоаси Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида ҳам ишончли галабаларни қўлга киритяпти. Жумладан, Олмаликда «ОТМК» жамоасига қарши Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг биринчи учрашувида тўлиқ устунлик қилган Миржалол Қосимов шогирдлари 4:1 ҳисобида зафар қучишганди. Тошкентда ҳам ташаббусни ўз қўлига олган тошкентлик футболчилар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасига 4 та жавобсиз гол йўллашнинг уддасидан чиқиди. Мухлисларни қувонтирган тўпларни дарвозага Бақоев, Копадзе, Желаров ва Вильянуэвакар киритишти. Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг «Пахтакор» — «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги учрашуви ҳам амалдаги чемпион «Пахтакор» нинг 3:0 ҳисобидаги галабаси билан якунланди. Фарғонада ўтказилган биринчи баҳсда ҳам 2:0 ҳисобида устун келган пахтакорчилар икки ўйин натижасига кўра финал йўлланмасини қўлга киритишти. Энди 31 октябрда уюштирилади Ўзбекистон Кубоги финалида икки пойтахтлик пешқадам жамоалар — «Қурувчи» ва «Пахтакор» ўзаро куч синишади. (Ўз муҳбиримиз)

Кўргазмалар

БАҲОНИ МУХЛИСЛАР БЕРАДИ

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ЗАМОНАВИЙ ФОТОГРАФИЯДА АЁЛЛАР ҚИЁФАСИ» НОМЛИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси кўмағида ўлкага келган мазкур кўргазмада ўзбекистонлик сураткашлардан ташқари Япония, Туркия, Франция ижодкорлари, жами 20 дан ортиқ сурат усталаринг энг сара асарлари намойиш этилмоқда. Сир эмас, аёллар портрети сураткашлик санъатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда асосий эътибор руҳий қиёфани очиб ва тасвирлашга қаратилади. Кўргазмада иштирок этаётган сураткашлардан А.Губенко, Р.Ханикова, А.Попов, Р.Грановская, Э.Куртвелиев (Ўзбекистон), Е.Ито (Япония), Л.Алексо, А.Итерио (Франция), С.Косемен (Туркия) нинг ишларида образга ёндашув бир-биридан фарқ қилса-да, бироқ бирлаштирувчи муқаддима мавжуд. Масалан, хорижий ижодкорларда конструктивизм ва абстракцияга ёндашув кучли бўлса, юрдошларимизда аёлларнинг замонавий руҳий ҳолатини очиб беришга ҳаракат қилинганлигини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир суратчи аёл қиёфасини ўз тушунаси ва ёндашувига кўра тасвирлаган, муҳлис эса албатта унга ўз баҳосини беради. (Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа Александр Алексеев олган сурат



ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадларимизга етказиб берилган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, қўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир. Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади. Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот боксармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3200 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади. «Шарк» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 706